

МАЪРУЗАЛАР БЎЙИЧА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛ

“Маъмурий жавобгарлик”

Маъруза мавзуси: Маъмурий жавобгарлик фани тушунчаси, предмети ва вазифалари

Маърузачи: Р.С.Алтиев

1. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади:

Маърузада “Маъмурий жавобгарлик” модулининг 1-мавзусини ёритишга мўлжалланган режадаги “Маъмурий жавобгарлик фани тушунчаси. Маъмурий жавобгарлик фанининг предмети. Маъмурий жавобгарлик фанининг вазифалари. Маъмурий жавобгарлик ва унинг бошқа ҳуқуқ соҳалари билан ўзаро алоқаси (жиноят ҳуқуқи, криминалогия, жиноят-процессуал ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, солиқ ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи)” ҳақидаги асосий тушунчаларни бериш ва талабаларда мазкур ҳуқуқ институтлари ҳақида тегишли билимларни шакллантиришдан иборат. Маъруза жараёнида мавзуга доир муаммоли масалалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилади, амалиёт таҳлил қилинади, муаммоли масалалар бўйича тарқатма материаллардан фойдаланилади.

Маъруза натижасида талаба:

- маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлиш имкониятига эга бўлади;
- маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли моддий ва процессуал қонун нормаларини қўллаш олиш кўникмасига эга бўлади;
- ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш, қонунларни амалётга қўллаш олиш тайёрлаш кўникмасига эга бўлади;

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ✓ Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ✓ Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- ✓ Мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ✓ Режа асосида слайдлар ёрдамида процессуал институтлар тушунтирилади;
- ✓ Процессуал ҳужжатлар ўрганилади ва таҳлил қилинади;
- ✓ Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ✓ Муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ✓ Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ✓ Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага якун ясалади.

3. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

- **Мажбурлов** - бу бўйсинувчи субъектнинг иродасини рад этиш ва унинг хулқ-атвориға ташқи таъсир кўрсатиш ҳисобланади.
- **Ҳуқуқий мажбурлов** – ҳуқуқ тартиботни таъминлашнинг асосий усулларида бири бўлиб, қонунда белгиланган тартибда махсус ваколатли давлат органи томонидан ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатни содир этган ҳуқуқнинг аниқ бир субъектига қўлланилади.
- **Ҳуқуқий тартибот** – бу жамиятда ўрнатилган тартибнинг бир қисми бўлиб, ҳуқуқий меъёрларни амалга ошириш натижасида пайдо бўлади, кишилар ўртасидаги турли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий воситалар орқали тартибга солади.
- **Маъмурий-ҳуқуқий мажбурлов** – бу ҳуқуқий мажбурловнинг алоҳида тури бўлиб, ҳуқуққа хилоф қилмишга нисбатан оммавий ҳокимият субъектлари томонидан маъмурий ҳуқуқ меъёрларида назарда тутилган мажбурлов чораларининг қўлланилишидир.
- **Маъмурий огоҳлантирув чоралари** – мажбурийлик хусусиятига ега бўлган чоралар бўлиб, давлат бошқаруви соҳасида жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини ҳамда бошқа зарарли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни огоҳлантириш мақсадида қўлланилади.
- **Маъмурий чеклов чоралари** – ҳуқуққа хилоф ҳаракатларни тугатиш (тўхтатиш) ва унинг зарарли оқибатларини бартараф этиш мақсадида қўлланилади. Бу чоралар, маъмурий огоҳлантирув чоралари сингари, турли кўринишларга ега бўлиб, давлат бошқарувининг турли соҳаларида ижро ҳокимияти субъектлари томонидан қўлланилади.
- **Маъмурий қайта тиклов чоралари** - етказилган зарарни қоплаш, олдинги ҳолатни тиклаш мақсадида қўлланилади. Шу сабабли бу чораларнинг тури ва ҳажми кўп жиҳатдан, ҳуқуққа хилоф ҳаракат орқали етказилган зарар ҳажми ва хусусиятига боғлиқ бўлади.

4. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Мажбурлов чоралари тушунчаси. Мажбурлов - бу бўйсинувчи субъектнинг иродасини рад этиш ва унинг хулқ-атвориға ташқи таъсир кўрсатиш ҳисобланади. Ўрнатилган тартибнинг (кўрсатманинг) бажарилмаганлиги сабабли, ҳокимият субъектининг иродаси бузилади. Ҳокимият субъекти иродасини қайта тиклаш ва бўйсинувга эришиш мақсадида, иккинчи субъектнинг иродасига – ахлоқий, мулкӣ, ташкилий, жисмонӣ таъсир кўрсатилади.

Мажбурлов орқали – ҳуқуқ тартибот, мулкчилик, фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари, оммавий ҳокимиятнинг нормал фаолият йуритиши таъминланади.

Мажбурлов - ҳокимиятни амалга оширишнинг асосий усулидир.

Жамиятда мажбурловнинг турли кўринишлари мавжуд бўлиб, таъсир этиш объектига қараб: руҳӣ, моддий, ташкилий ва жисмонӣ таъсир этишга бўлинади.

Мажбурлов чоралари ҳуқуқнинг индивидуал субъектларига ҳам, жамоа субъектларига ҳам қўлланилиши мумкин.

Ҳуқуқий мажбурлов мазмуни ва хусусиятлари. Ҳуқуқий мажбурлов – ҳуқуқ тартиботни таъминлашнинг асосий усулларида бири бўлиб, қонунда белгиланган тартибда махсус ваколатли давлат органи томонидан ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатни содир этган ҳуқуқнинг аниқ бир субъектига қўлланилади.

Ҳуқуқий мажбурловнинг турли чораларга ва кўпгина ўзига хос хусусиятларга ега эканлиги сабабли, уларни турли асосларга кўра таснифлаш мумкин. Масалан, биринчи навбатда улар суд ва суддан ташқари қўлланиладиган мажбурлов чораларига бўлинади.

Ҳуқуқий мажбуриятда маъмурий-ҳуқуқий мажбуриятнинг тутган ўрни. Маъмурий-ҳуқуқий мажбурият – бу ҳуқуқий мажбуриятнинг алоҳида тури бўлиб, ҳуқуққа ҳилоф қилмишга нисбатан оммавий ҳокимият субъектлари томонидан маъмурий ҳуқуқ меъёрларида назарда тутилган мажбурият чораларининг қўлланилишидир. Маъмурий-ҳуқуқий мажбурият - ҳуқуқий тартиботни ҳимоя қилишда, шунингдек, ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда катта аҳамиятга эгадир. Бу шу билан изоҳланадики, ички ишлар органлари, давлат инспекциялари ва бошқа ижро ҳокимияти субъектлари тегишли тартиб ва қоидаларга риоя этилиши устидан доимо назоратни олиб бориб, уларнинг ҳар қандай бузилишига дарҳол таъсир кўрсатишлари мумкин. Маъмурий-ҳуқуқий мажбурият - жамият тартибига таъжовуз қилувчи қилмишни тўхтатиш ва унга барҳам беришни, ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишига йўл қўймасликни назарда тутувчи кўпгина чеклов (ёғиёт) воситаларини ҳам ўз ичига олади.

Маъмурий-ҳуқуқий мажбуриятнинг чоралари. *Маъмурий огоҳлантирув чоралари* – мажбурийлик хусусиятига эга бўлган чоралар бўлиб, давлат бошқаруви соҳасида жамоат тартиби ва хавфсизлигини ҳамда бошқа зарарли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни огоҳлантириш мақсадида қўлланилади.

Маъмурий огоҳлантирув чоралари, масалан, ишлаб чиқаришда, йўл-транспорт ҳаракатида тўқнашувлар (авариялар), ёғинларнинг олдини олиш; аҳолининг санитария-эпидемиология, ҳаво ва темир йўлдаги хавфсизлигини таъминлаш; табиий офатларда ва фавқулодда ҳолатларда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш учун қўлланилади.

Маъмурий чеклов чоралари – ҳуқуққа ҳилоф ҳаракатларни тугатиш (тўхтатиш) ва унинг зарарли оқибатларини бартараф этиш мақсадида қўлланилади. Бу чоралар, маъмурий огоҳлантирув чоралари сингари, турли кўринишларга эга бўлиб, давлат бошқарувининг турли соҳаларида ижро ҳокимияти субъектлари томонидан қўлланилади. *Маъмурий чеклов чоралари*га қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) ҳуқуққа ҳилоф ҳаракатни тўхтатиш тўғрисидаги талаб;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни маъмурий тартибда ушлаб туриш;
- 3) атрофдагилар учун хавфли бўлган касалликка дучор бўлган шахсни мажбурий даволаш;
- 4) инфекцион касалларни вақтинча ишдан четлаштириш;
- 5) транспорт воситасининг ҳолати ўрнатилган талабларга жавоб бермаганида, ундан фойдаланишни тақиқлаш;
- 6) жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўрнатилган талабларга риоя етмаган ҳолда амалга оширилаётган курилиш-таъмирлаш ва бошқа ишларни тақиқлаш ёки чеклаш;
- 7) бевосита жисмоний таъсир кўрсатиш;
- 8) оммавий тартибсизликларни ва бир гуруҳ шахсларнинг ноқонуний ҳаракатларини тўхтатиш учун махсус воситаларни қўллаш;
- 9) ваколатли шахснинг ўқотар қуролидан фойдаланиши ва бошқалар.

Маъмурий қайта тиклов чоралари - етказилган зарарни қоплаш, олдинги ҳолатни тиклаш мақсадида қўлланилади. Шу сабабли бу чораларнинг тури ва ҳажми кўп жиҳатдан, ҳуқуққа ҳилоф ҳаракат орқали етказилган зарар ҳажми ва хусусиятига боғлиқ бўлади. Масалан, қайта тиклов чоралари, ўзбошимчалик билан қурилган бино ва бошқа объектларни бузиш, ўзбошимчалик билан егаллаб олинган турар жойдан мажбурий чиқариш, ташкилотдан қонунга зид равишда олинган мол-мулкни олиб қўйиш, боқимандани, пеняни ундириш ва ҳ.к.лар қиради.

Ўзбошимчалик билан қурилган объектлар (уй, чорбоғ, гараж, омборхона ва ҳ.к.лар) мажбурий тартибда бузилиши мумкин. Объектларни бузишдан олдин, ҳокимиятнинг тегишли субъекти томонидан ҳуқуқбузар огоҳлантирилади. Агар ҳуқуқбузар ўз кучи ва воситалари ёрдамида объектни бузмаса, ер участкасини

белгиланган тартибга келтирмаса, мажбурий ҳолда тегишли орган томонидан айбдорнинг ҳисобидан объект бузилади.

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

- Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тушунчаси ва турлари ҳақида гапиринг.
- Маъмурий жавобгарлик фанининг предмети ҳақида гапиринг.
- Маъмурий жавобгарлик фанининг вазифалари ҳақида гапиринг.
- Маъмурий жавобгарлик фанининг жиноят ҳуқуқи билан алоқадаорлигини асослаб беринг.
- Маъмурий жавобгарлик фанининг криминология билан алоқадаорлигини асослаб беринг.
- Маъмурий жавобгарлик фанининг жиноят процессуал ҳуқуқи билан алоқадаорлигини асослаб беринг.
- Маъмурий жавобгарлик фанининг маъмурий ҳуқуқ билан алоқадаорлигини асослаб беринг.
- Маъмурий жавобгарлик фанининг солиқ ҳуқуқи билан алоқадаорлигини асослаб беринг.
- Маъмурий жавобгарлик фанининг фуқаролик ҳуқуқи билан алоқадаорлигини асослаб беринг.
- Мажбурлов чоралари тушунчаси мазмун ва моҳиятини очиб беринг.

6. МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:

1. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тушунчаси ва турлари ҳақида гапиринг.
2. Мажбурлов тушунчасини беринг.
3. Ҳуқуқий мажбурлов деганда нимани тушунасиз ва унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
4. Маъмурий-ҳуқуқий мажбурловнинг ҳуқуқий мажбурлов тизимида тутган ўрни қандай?
5. Маъмурий-ҳуқуқий мажбурловнинг мазмуни ва хусусиятлари нималардан иборат?
6. Маъмурий-ҳуқуқий мажбурловнинг қандай чораларини биласиз?
7. Маъмурий огоҳлантирув чораларини қўллашдан мақсад нимада?

7. МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 08.12.1992 й. қабул қилинган.
- 2) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Респуб-ликаси 22.09.1994 й. 2015-ХИИ-сон Қонуни билан тасдиқланган.
- 3) Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабр Қонуни // ЎЗР ОМА, 2001, №1-2, 21-м.
- 4) “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 29.09.2010 й. ЎРҚ-263-сон Қонуни билан қабул қилинган // ЎЗР ОМПА, 2010 й.
- 5) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 2000 йил 21 сентябр Қарори // ЎЗР ҚХТ, 2000, № 6, 99-модда.
- 6) Хамедов И. Административное право. Учебник.- Т.:УМЭД, 2004. – 234 с

- 7) Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ: Бакалавриятнинг 5380100 - Юриспруденсия йўналиши талабалари учун дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев.– Т.: 2006.– 800 б.
- 8) Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Х.Т. Одилқориев, И.Исмаилов, Н.Т. Исмаилов ва бошқ.; проф. Х.Т. Одилқориев ва Б.Е.Қосимовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. – 640 б.
- 9) Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2008. – 608 б.